

## Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан

...Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири. Инсонга ҳар томонлама камол топиши, шахс сифатида ривожланиши, ўзини намён этиши учун зарур бўлаган моддий воситалар у ёқда турсин, ҳатто энг

оддий шароит ҳам йўқ. Қоронғу, рутубатли, ҳазин тунларга уланаётган файзсиз, тароватсиз, нурсиз кунлар оғамларнинг эртанги кунга ишончини тобора еб битираётган оғир йиллар...



## БИЗ ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАР – ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛАБАСИДИР

Бугун турли соҳаларда юксак муваффақиятларни қўлга киритиб, Ватанимизни жаҳон миқёсида шон-шарафларга буркаётган минглаб истеъдодли ёшларимизнинг қалб сўзлари бу!

...Минг тўққиз юз тўқсонинчи йил, учинчи август. Тошкент. Йирик анжуман. Президентимиз Ислам Каримов маъруза қилади. Республика раҳбари ўз нутқида барча соҳалар қатори таълим тизими ҳам бутунлай издан чиққани ва ўқув муассасалари ачинарли аҳволга келиб қолганини аниқ рақам ва далиллар асосида қайд этади. Мазкур муаммоларни ҳал этиш борасида фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, Президентимиз бундай дейди: Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак. Бу дастур умумтаълим мактабларида дарс бериш сифатини ҳар томонлама юксалтириш, энг истеъдодли болалар учун мактаблар очилш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш тизими каби устувор вазифаларни ўзида му-

жассам этиши лозим.

Бу гоё илгари сурилганига йигирма беш йил бўлди. Вақт бир ерда тўхтаб турмаганидек, қоронғу кунлар кетидан ёруғ кунлар келди. Халқимизнинг асрий орзуси ижобат бўлди — юртимиз мустақилликка эришди. Президентимизнинг узқони кўзлаб юритган оқилона сиёсати боис элнинг қадди тикланди, кадри юксалди.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида таълим-тарбия тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлири куриш, таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг таълим соҳасидаги салоҳият даражасини ҳар томонлама юксалтириш мақсадида "Ўзбекис-

тон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилди.

Бунинг самарасида минглаб замонавий таълим иншоотлари қад ростлади, реконструкция қилинди. Бунинг сўнгги икки йилда ўқув муассасаларини куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам аяқлоқ кириш мумкин.

Маълумотларга кўра, 2013 йилда 28 та янги касб-хунар коллежи курилган, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлири тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-хунар коллежи ва лицейлар ре-

конструкция қилинган ва капитал таъмирланган. Шунингдек, 55 та болалар мусика ва санъат мактаби, 112 та болалар спорт объектлари ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, замонавий тарзда жиҳозланган.

Мутахассисларнинг фикрича, жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва интернет кенг кириб келаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта эгаллашдан туриб, порлоқ истиқбол ҳақида ўйлаш кутилган самара бермайди. Шу жиҳат ҳисобга олиниб, Президентимиз қарори билан 2013 йилда таълим-тарбия соҳасида хорижий тилларни янада чуқур ўргатиш тизими жорий этилди ва мамлакатимизда чет тилларни биринчи синфдан ўқитиш йўлга қўйилди.

(Давоми иккинчи бетда)

## Sharh

### Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кафолатли ҳимоясини таъминлаш йўлида

Истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодий эътибор либераллаштириш, бошқаруving бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, 2012-2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юриш шароитларини янада яхшилашга қаратилган ўн бешта қонун қабул қилинган таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг ка-

## Миллий ва диний бағрикенглик – тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Миллий ва диний бағрикенглик — тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита томонидан Республика Байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ва диний ташкилотлар вакиллари, олий таълим даргоҳларининг профессор ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раиси О.Юсупов, Республика Байналмилал маданият маркази раиси Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг дин ва виждон эркинлигига

оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, миллатлараро ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжихатлик тамойилларига қатъий амал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда эътиқод ва виждон эркинлигига доир кафолатлар Бош қомусимиз ва қонунларда қатъий белгилаб қўйилган. Бу юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат, ўн олти диний конфессия вакиллари ўзаро аҳиллик ва тотувликда яшаб, Ватанимиз раванқи йўлида самарали меҳнат қилаётганига ўз ифодасини топмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мамлакатимиз Конституция ва қонун устувор бўлган демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти баропо этиш йўлидан дадил одимламоқда. Бош қомусимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш, қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилган.

## Qonun ko'magi

### Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи амалда тўлиқ таъминланмоқда

Бу ҳақда сўз борганда, меҳнати оғир ва зарарли ишларда ишлаётган, пенсия ёшига етганда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз учун миллий қонунчиликда кўзда тутилган муайян

имтиёзлар ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки инсоннинг ижтимоий муҳофазаси истиқлол йилларида амалга ошираётган кенг қамровли ислохотларимизнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

(Давоми иккинчи бетда)

## Fuqarolik qonunchiligi

### Қонуний тузилган битим

тарафлар манфаатини таъминлашга хизмат қилади

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келадиган иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни тартибга солувчи шартномавий муносабатларнинг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилган. Чунончи, Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги қарори тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлабгина қолмай, низо келиб чиққан тақдирда уни қонуний ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш кераки, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари битимлар деб

юритилади. Битимлар оғзаки ва ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Маълумки, яқинда қуйи палатанинг мажлисида депутатлар мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқишди. Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

## Qonun ijodkorligi

### Божхона ишининг ҳуқуқий асослари янада мустақкамланмоқда

Таъкидлаш лозим, мамлакат иқтисодий эътиборининг барча соҳа ва тармоқларида ислохотларни янада либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўналишидаги вазифаларни изчил амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш соҳасини либераллаштиришда сўнгги йилларда муҳим таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Соҳани модернизация, диверсификация ва демократлаштириш йўлидаги чора-тадбирлар бугунги

кунда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган янги таҳрирдаги Божхона кодекси ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантикий давоми бўлиб, божхона ишида халқаро стандартларга мос бўлган ягона қонунчилик базасини шакллантириш, божхона бошқаруving барча даражаларида ҳуқуқий норма ва муносабатларнинг бир хилда қўлланилишини, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона



(Давоми учинчи бетда)







**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Шунингдек, кейинги вақтда мамлакатимиз раҳбарининг миллий иқтисодиётда давлат улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш зарурлигига мунтазам аҳамият бериб келаётгани бежиз эмас. Бинобарин, Президентимиз таъбири билан айтганда, биринчи навбатда Конституциямизда муҳрлаб қўйилган кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлиши хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидан барча гов ва тўсиқларни йўқ қилиш - биз учун ҳал қилувчи, устувор вазифага айланиши даркор.

Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажақ истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан ана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини таъминлашнинг ишончли ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш ва уларнинг ҳимояси учун кўп иш қилинди. Мулкдорларга зарур шароит ва кафолатлар бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Натижада бугун хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, хусусий секторда маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш ҳаракатларини қамайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқариш туфайли имкон қадар кўп даромад олиш каби пировард молиявий натижаларга эришилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз мамлакатимиз 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маъжамасининг мажлисида ушбу масалага батафсил тўхталди. Бу борада, Юртбошимиз айтганидек, хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Давлатимиз раҳбири парламент палатларининг жорий йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида депутатлар ва сенаторлар эътиборини яна бир бор бозор ислохотларини чуқурлаштириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қонунариимизда белгилаб қўйилган рағбатлантирувчи омиллар ва преференцияларнинг ишлаши билан боғлиқ масалаларга қаратди

Юртбошимиз ибораси билан айтганда, бу борада ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз шу йил 15 майда имзо чеккан **"Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни**

**бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида**"ги Фармон айнаи шу йўналишда қабул қилинган навбатдаги муҳим дастурий ҳужжат бўлди.

Ушбу фармон хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялли ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармоясига иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган.

Фармонга мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тад-

лини янада кучайтириш назарда тутилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва боғжона қонунчилигини бузганлиги муносабати билан уларнинг мулкни мусодара қилиш, шунингдек, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган боғжона тўловларини ундариш фақат суд қарори билан амалга оширилади. Ҳўжалик судларига назорат қилувчи органнинг шикоят қилинаётган ҳаракати (қарори) ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилди, ҳўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунга-

давлат хизматлари кўрсатаётган "бир дарча" хизматларининг ўрнига туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизига "бир дарча" таъмоийли асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиши Ягона марказлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари томонидан зарур ҳужжатларни тақдим этиш асосида давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан қурилиш объектларини рўйхатга олиш ва қурилиш-монтаж ишларига руҳсат беришининг билдириш тартибининг жорий этиш, ер майдонларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш, келишиш ва тасдиқлаш тартиб-таомиллари ва муддатларини оптималлаштириш ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига ер майдонларини тақдим этиш билан боғлиқ тартиб-таомилларини янада соддалаштириш назарда тутилмоқда.

Фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни янада тартибга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш, шу ўринда жиноий жавобгарлигини жорий этиш муҳим аҳамият касб этувчи вазифа сифатида белгиланган.

Фармонда Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий судга манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилгани ва ноқонуний аралашгани учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни кўп мартаба бузган мансабдор шахсларига нисбатан жиноий жавобгарлик қоралари қўлланилади. Шу билан бирга, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ноқонуний қарорлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни, жумладан, бой берилган фойдани тўлиқ қоплаш механизмининг жорий этиш назарда тутилмоқда.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг барчаси маъмурий ва жиноят қонунчиликида ўз аксини топади. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилиш ва ноқонуний аралашуш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлиқни назарда тутадиган алоҳида XVI бобни киритиш кўзда тутилмоқда. Ўз навбатида, Жиноят кодексига ва бошқа қонунларга ҳам тегишли қўшимчалар киритилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз фармони ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш, Ўзбекистон иқтисодиётига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, пировардидан, халқимиз фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

**Файрат ҲИДОЯТОВ,**  
*Олий суд судьяси*

**Qonun ijodkorligi**

**Божхона ишининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланмоқда**

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мазкур йиғилишларда депутатлар сўнги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, жаҳон амалиётида умумқабул қилинган бизнес юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари таъминоти таъбиқ қилиш ва шу асосда республика иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини изчил таъминлаб бориш бўйича кенг миқёсли чоралар кўрилаётгани эътироф этилди.

Қизгин муҳокамалар жараёнида сиёсий партиялар фракциялари аъзолари лойиҳанинг бугунги кундаги долзарб аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдириб ўтишди.

— Янги таҳрирдаги кодекс лойиҳасининг муҳокамасига бизнинг фракция депутатлари электоратимиз вакиллари, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар манфаатларини кўзлаган ҳолда ёндошдилар, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси фракцияси аъзоси Ў.Бўтаев. — Бизнинг фракция депутатлари ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси фракцияси аъзоси А.Умиров. — Фракциядаги мулоҳамалар чоғида депутатлик ҳимояси айнаи шу жиҳатлардан келиб чиқиб, мазкур лойиҳа тўғридан-тўғри амал қилганидан яхлит ҳужжатга айлантирилаётгани, бу ўрнатилган норма ва қоидаларнинг талқин қилиниши ва қўлланилишида таъбирлиқни таъминлашга эътибор қаратилган. Шунингдек, унинг айрим нормалари юзасидан партияимиз сайловолди дастурида белгиланган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда аниқ таклифлар ўртага ташланди

— Биз қўмиталар, фракциялар йиғилишлари ва палата мажлисида иштирок этдик, — дейди Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқий бошқарма бошлиғи А.Қўрбонов. — Айтиш лозим, муҳокамалар ишчан ва бозорни сифатсиз ва контрафакт маҳсулотлардан ҳимоялаш партияимиз сайловолди дастурида белгиланган йўналишлар қаторига қиради, — дейди "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси А.Ҳамроев. — Шу боисдан янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳасида айнан ана шу жиҳатларни акс эттириш фракцияимиз олдида турган асосий вазифадир. Муҳокамалар жараёнида ҳам фракциядошларимиз мамлакатимиз ҳудудида бу борада самарали божхона назоратини таъминлаш масаласига эътибор қаратди. Фракцияимиз йиғилишида лойиҳани тайёрлаш жараёнида депутатларимизнинг фаоллик кўрсатишлари ва ишчи гуруҳига аниқ янада тақомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар киритишни белгилаб олдик.

— Божхона кодексининг янги таҳрири муҳокамасида фракцияимизнинг қатъий позицияси шакллантирилди. Чунончи, лойиҳа амалдаги қонунларнинг бирида Улуғбек (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўзининг шахсий машинасида Жиззах шахрига кета туриб, йўлда Назокат опа деган аёл билан ҳамсуҳбат бўлиб қолади. Назокат опанинг гапларига қараганда, у хусусий корхона ташкил этиб, унга ўзи раҳбарлик қиларкан.

**Ehtiyot bo'ling, firibgar!**

**Фош бўлган фириб**

Кунларнинг бирида Улуғбек (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўзининг шахсий машинасида Жиззах шахрига кета туриб, йўлда Назокат опа деган аёл билан ҳамсуҳбат бўлиб қолади. Назокат опанинг гапларига қараганда, у хусусий корхона ташкил этиб, унга ўзи раҳбарлик қиларкан.

Қисқаси, суҳбат орасида Назокат опа хусусий корхонага "Нексия-2" русумли автомашинаси олиш учун автосалонга пул тўлаётганини, фақат 5 миллион сўм етмай турганини айтarkan, агар кимдир ёрдам берса, автомашинани олгач, уни уч йилга ижарага бераман, дейди. Назокат опанинг сўзларини эшитиб, Улуғбекнинг ёдига акиси Зухриддин тушди. Чунки у ижарага автомашинани олиш ниятида юрган эди. Қисқаси, ўша куни Улуғбек уйга қайтгач, акасига Назокат

дексдан тубдан фарқ қилади ва концептуал жиҳатдан божхона тизими фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга ҳуқуқий имкон яратди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси С.Арзиқулов. — Хусусан, фракция йиғилишида лойиҳани тақомиллаштириш жараёнида партия дастурий мақсадлари бўлган аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалаларини акс эттириш белгилана олинди. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида албатта, масъул қўмитага ўзимизнинг таклифларимизни тақдим этамиз.

— Қонуности ҳужжатларининг сони ва доирасини қисқартириш, қонунларнинг юқори сифатлилигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизmlарини яратиш депутатлик корпуси олдида турган вазифалардир, — дейди "Адолат" СДП фракцияси аъзоси А.Умиров. — Фракциядаги мулоҳамалар чоғида депутатлик ҳимояси айнаи шу жиҳатлардан келиб чиқиб, мазкур лойиҳа тўғридан-тўғри амал қилганидан яхлит ҳужжатга айлантирилаётгани, бу ўрнатилган норма ва қоидаларнинг талқин қилиниши ва қўлланилишида таъбирлиқни таъминлашга эътибор қаратилган. Шунингдек, унинг айрим нормалари юзасидан партияимиз сайловолди дастурида белгиланган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда аниқ таклифлар ўртага ташланди

— Биз қўмиталар, фракциялар йиғилишлари ва палата мажлисида иштирок этдик, — дейди Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқий бошқарма бошлиғи А.Қўрбонов. — Айтиш лозим, муҳокамалар ишчан ва бозорни сифатсиз ва контрафакт маҳсулотлардан ҳимоялаш партияимиз сайловолди дастурида белгиланган йўналишлар қаторига қиради, — дейди "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси А.Ҳамроев. — Шу боисдан янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳасида айнан ана шу жиҳатларни акс эттириш фракцияимиз олдида турган асосий вазифадир. Муҳокамалар жараёнида ҳам фракциядошларимиз мамлакатимиз ҳудудида бу борада самарали божхона назоратини таъминлаш масаласига эътибор қаратди. Фракцияимиз йиғилишида лойиҳани тайёрлаш жараёнида депутатларимизнинг фаоллик кўрсатишлари ва ишчи гуруҳига аниқ янада тақомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар киритишни белгилаб олдик.

— Божхона кодексининг янги таҳрири муҳокамасида фракцияимизнинг қатъий позицияси шакллантирилди. Чунончи, лойиҳа амалдаги қонунларнинг бирида Улуғбек (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўзининг шахсий машинасида Жиззах шахрига кета туриб, йўлда Назокат опа деган аёл билан ҳамсуҳбат бўлиб қолади. Назокат опанинг гапларига қараганда, у хусусий корхона ташкил этиб, унга ўзи раҳбарлик қиларкан.

**Олий Мажлисинг Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати**

**Таъминот олиш ҳуқуқи**

**амалда тўлиқ таъминланмоқда**

Шу ўринда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1996 йил 17 февралда тасдиқланган "Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитларини бўйича иш ўринларини аттестация қилиш услуби"-га тўхталиш жоиз. Чунки унга кўра, ҳар беш йилда ишлаб чиқариш муҳитининг зарарлилиги ва хавфлилик-

ги бўйича иш шароитини баҳолаш картаси асосида меҳнат шароитларига баҳо берилиши лозим. Содда қилиб айтганда, ишчи-ходимнинг имтиёзли иш стажини учун зарарли иш шароитида ишлаганлиги аниқланиши керак.

Биринчи босқич суди С.Собировнинг шикоят аризасини муҳокама қилишда фуқаро қайд этилган йилларда зарарли иш шароитида ишлаганини, меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш С.Собировнинг ваколатига кирмаслигини, қорар 1996 йилда қабул қилинганини инобатга олмаган. Даввогарнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлимига ёшга доир имтиёзли пенсия расмийлаштириш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризасини рад

қилиш тўғрисида барвақт хулосага келган. Фуқаролик процессуал кодексининг 312-моддасига кўра, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, суднинг ҳал қилув қарорига баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларини мувофиқ келмаслиги, моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги суд қарорини бекор қилишга асос бўлади. Шу боис апелляция судлов ҳайъатининг ажрими билан биринчи босқич су-

дининг ҳал қилув қарори бекор қилинди ва С.Собировнинг шикояти қаноатлантирилди. Суд ажрими билан унинг имтиёзли пенсияга чиқиш учун иш ўрни аттестацияси ҳужжатлари ҳисобга олиниш мажбурияти бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлимига юклатилди. Қисқача айтганда, юртимизда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамиша устувордир. Бунга С.Собировнинг бузилган ҳуқуқлари қонун йўли билан тиклангани ёрқин мисол бўлади. **Байрамали НОРОВ,**  
*фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судьяси*

опанинг гапларини айтиб берди. Бу таклиф Зухриддинга жуда маъқул тушди ва эртасига эрталаб ака-ука Назокат опа билан кўнгироқлашиб, 4 миллион 800 минг сўм беришга келишишди. Буни қаранги, буёғига ишлар тезда юришиб кетди. Ўша кунийёқ улар Назокат опа билан Жиззах шахрига бирга боришди. Назокат опа пул тўлагани "Асака" банкнинг вилоят филиалига кириб кетди ва орадан бироз фурсат ўтгач, мамнун қиёфада қайтиб чиқди. **(Давоми тўртинчи бетда)**



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бугунги кунда жамиятимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро дўстлик тобора мустаҳкамланиб бораётир. Имом Бухорий халқаро маркази, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасига қарашли диний таълим

га етишга, жамиятдаги барқарор муҳитни асраб-авайлашга, ёшлар тарбияси учун масъулиятни ҳис этишга даъват этади. Шу маънода юртимиздаги миллатлараро ва диний конфессиялараро тотувликни, ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган сиёсат жаҳон ҳамжамиятига ибрат бўла оли-

## Миллий ва диний бағрикенглик – тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили

муассасалари, православ ва протестант семинарияларида диний бағрикенгликни тарғиб этувчи тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Турли динларга мансуб фуқароларнинг ўз диний арконлари ва амаллари эмин-эркин адо этиши учун барча шароит яратилган.

Таъкидланганидек, дин, шу жумладан, муқаддас ислом динининг одамларни эзгулик ва ҳалоллик, покликка ундаш, тинчлик ва осойишталикни сақлашга даъват этишдаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бирок бугунги мураккаб ва таҳликали, тезкор глобаллашув даврида дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган можароларда баъзан дин ёки миллий масала ниқоб қилиб олинаётгани сир эмас. Бу барчани янада ҳушёрлик ва огоҳликка, тинчлик ва осойишталикни сақлашга, унинг кадр-

ши нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижлик олимлар, экспертлар, етук мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

Анжуманда динларда одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, илм олиш масалалари, жумладан, ёшларда миллатлараро тотувлик, ижтимоий ва диний бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик, олижаноблик, саҳийлик каби маънавий-ахлоқий хусусиятларни камол топтириш, уларнинг маънавий оламини юксалтириш, дини ва миллатидан қатъи назар, Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашилди. Журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

**Дилшод КАРИМОВ,**  
ЎЗА мухбири

**Fuqarolik qonunchiligi**

## Қонуний тузилган битим

тарафлар манфаатини таъминлашга хизмат қилади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Амалдаги қонунийлик талабига кўра, қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича тузилган битим, албатта, нотариал тасдиқланиши лозим.

Шу боис нотариал тасдиқланиши лозим бўлган битимнинг нотариал шаклига ва уни рўйхатдан ўтказиш талабларига тарафлар албатта, риоя этиши шарт.

Айтиш жоизки, бугун ҳаётда шартнома ва битим атамалари гоётда кенг қўлланади. Бу икки тушунча бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Айтилик, васиятнома, ҳада шартномаси каби битимларни тузиш учун бир тарафнинг хоҳиш-истаги етарли ҳисобланади ва улар бир тарафлама битим деб номланади.

Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, даввогар Хамро Хошимов (исм-шарифлар ўзгаририлган) жавобгарлар Б.Хошимов ва Иштихон тумани 2-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан судга давво аризаси билан мурожаат қилиб, 2007 йил 16 апрелда расмийлаштирилган васиятномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Шуни қайд этиш жоизки, Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг 2014 йил 13 октябрдаги ҳал қилув қарори билан дав-

во рад этилган.

Зотан, Фуқаролик кодексининг 1127-моддасида васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгаришига ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин. Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади. Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгаририлган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди деб белгиланган.

Даввогар Х.Хошимов ўзининг давво аризасида жавобгар Б.Хошимов марҳум отаси Х.Нуриддинов касаллиги туфайли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди-ган ҳолатда ётганидан фойдаланиб низоли васиятномани расмийлаштирганлиги ҳақидаги вазларни келтирган.

Иш ҳужжатларида эса, марҳум Х.Нуриддинов томонидан низоли уйни 2007 йил 16 апрелда нотариал идорада васият қилиш чоғида бошқа шахслар томонидан васият қилишга ундаш, алдас ёки мажбурлаш каби гайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилгани кўринмайди.

Бундан ташқари, Х.Нуриддинов томонидан нотариал идорада васиятномани расмийлаштириш жараёнида нотариус томонидан васият қилувчига нотариал ҳаракатнинг ҳуқуқий оқибати тушунтирилгани ҳамда васият қилувчининг муомалага лаёқатлилиги, яъни ақли расо ҳолатда бўлганлиги ҳолати васиятномани амалдаги қонун талабларига риоя этилган ҳолда расмийлаштирилганлигидан далолат беради.

Шу боис, кассация инстанциясининг ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни қонуний ва адолатли ҳал этиш тарафлар ўртасида юзага келган келишмовчиликни бартароф этиш, мулкнинг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Ш.ЭЛИЕВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича  
Иштихон туманлараро  
судининг раиси

**G'aroyib olam**

Инсоният тараққиётига назар ташласак, энг буюк кашфиётлар ва ихтиролар асосан катта авлод вакиллари томонидан яратилганига гувоҳ бўламиз. Аммо бу борада ёш авлод, яъни болалар томонидан яратилган ақлбодар қилмайдиган кашфиётлар ҳам борки, қуйида ана шулар ҳақида ҳикоя қиламиз.

## Биз билган ва билмаган дунё



### ИХТИРОЧИ БОЛАЛАР

Айтиш керакки, музлатилган лимонад, қор тозаловчи машина, саратон касаллигини аниқловчи асбоб ва шу каби кундалик ҳаётда зарур бўлган, бошқача айтганда, одамларнинг оғирини енгил қиладиган турмушбоп кўплаб маънавий ускуналар айнан болалар томонидан ихтиро қилинган. Маълумотларга кўра, америкалик машҳур давлат арбоби Бенжамин Франклин 12 ёшидаёқ сувдан эркин сузиш учун оёқ учига кийиладиган мослама, яъни "ласта"ни ихтиро қилган. Бугунги кунда жуда оммабоп тебранма курси билан боғлиқ ихтиролар ҳам айнан Бенжамин Франклинга тегишлидир. Айтиш жоизки, дунё микроскопида ёш ихтирочи шарафига бағишлаб, ҳар йили 17 январь куни бутун дунё болалар ихтироси куни кенг нишонланади.

1824 йилда 15 ёшли Луи Брайль томонидан ўйлаб топилган махсус босма ҳарф тиббиёт соҳасида туб бурилиш ясади. Гап шундаки, кўзи ожизлар учун мўлжалланган ушбу босма ҳарф ногирон кишиларга мурола қилиш, ўз билимини ошириш имкониятини берди. Бугунги кунда бутун дунёда кенг фойдаланиладиган ушбу босма ҳарф ҳам ёш ихтироси Луи Брайль томонидан яратилган дастур тизими асосига қурилган.

Асли америкалик Фрэнк Эпперсон "Лимонад одам" деган номга сазовор бўлган. Негаки, у музлатилган лимонадни ихтиро қилган илк кашфиётчи саналади. Аслида у ўша пайтда атиги 11 ёшда бўлиб, бу кашфиётни яратишда оддийгина тасодиф сабаб бўлган. Аниқроқ айтганда бўлсак, қаҳратон қиш кунларининг бирида ташқарида ўйнаб юрган болакай ҳовлида газли ичимлигини унутиб қолдиради ва эрта-лаб уни музлаган лимонад кўринишида топиб олади.

Орадан роппа-роса 18 йил ўтиб, 1923 йилда Эпперсон ўз ихтиросини омма эътиборига ҳавола этади ва айнан шу вақтдан бошлаб Америка бозоридан илк музлатилган лимонад маҳсулотлари сотувга чиқарилади.

Қоркезар машина эса, канадалик ёш ихтирочи Жозеф Бомбардьё томонидан ихтиро қилинган. Жозефнинг отаси 15 ёшга тўлган фарзандига анча эскириб қолган "Форд Т" русумли автомобилни совиға қилади. Орадан бир ҳафта ўтиб, ўта қизиқувчан Жозеф бус-бутун машинани сочиб ташлаб, унинг асосида қорда юрвчи антика қурилмани яратди. Вақт ўтиб улгайган Жозеф донги кетган "Bombardier" компаниясига асос сола-

ди ва у дунёдаги етакчи самолёт ишлаб чиқарувчи компания раҳбарларидан бирига айланади. Қизиги шундаки, ушбу компания айни пайтда ҳам ёш ихтироси Жозеф яратган қоркезар машиналарни ишлаб чиқаришда давом этмоқда.

Шуниси қизиқки, ёш ихтирочилар фан-техника оламида ҳам бир қатор кашфиётларни яратишга муваффақ бўлишган. Масалан, ўн тўрт ёшли Жона Кон "Good Vibrations" деб номланган мосламани яратган бўлиб, у товуш тўлқинларини аниқлаш имконини беради. Бу орқали эса, эшитиш қобилияти суст бўлган тингловчилар муслика тинглаб, ундан баҳраманд бўлиши мумкин.

АҚШнинг Калифорния штатида истиқомат қиладиган мактаб ўқувчиси Айша Кумаржи эса, қўл телефонлари учун мўлжалланган аккумуляторларнинг янги турини яратишга муваффақ бўлди. Мазкур ихтиронинг афзаллиги шундаки, янги аккумуляторни қайта тўлдириш учун бор-йўғи 20 сония вақт сарфлашига қарамай, у узоқ вақт ишлаш имкониятига эга.

Шунирнингдек, АҚШнинг Флорида штатида яшовчи 8 ёшли Аллана Майерс ҳам боғламаларни оғриксиз ечишга мўлжалланган вошитани кашф қилишга муваффақ бўлди. Эътиборли томони шундаки, таркиби оддий совун, лаванда ёғи ва сувдан иборат бўлган ушбу малҳам танаси бинт билан ўралган оғир аҳволдаги беморларнинг жонига оро кирмоқда.

Тиббиёт соҳасида юксак марраларга эришган яна бир ёш ихтирочи Жек Андрака эса, саратон касаллигини аниқлашнинг янги усулини ўйлаб топди. Табиатни тиришқоқ ва изланувчан бу ёш ихтирочи замонавий техника ёрдамида ошқозонни беши ва ўпка саратонини бошланғич боқичларда аниқлаш имконини берувчи тестни яратишга муваффақ бўлган. Айтиш жоизки, мазкур тест одатдаги усуллардан 168 баробар тез ва анча арзон бўлиб, текширув натижалари беш дақиқа давомида маълум бўлади.

Шуниси диққатга сазоворки, унинг бу кашфиёти бугунги кунда саратон касаллигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Шуни эътиборга олган "Интел" компанияси Жекнинг ихтиро натижаларини янада тақомиллаштириши учун 75 минг доллар миқдоридан маблағ ажратган.

**Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

**Hikmat**

### ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Ҳамма нарсанинг меъёри яхши, исрофнинг оқибати кўнгилсиз бўлар.

Ҳаммавақт бошқа одамлардан ёмон жиҳатларни эмас, яхши жиҳатларни қидир.

Бир дақиқалик эриниш бир умрлик пушаймонлик келтиради.

Одамларни ҳурмат қилиш — ўзини ҳурмат қилишдир.

Истақларини енга олганлар қатъий иродали инсонлардир.

Эзгулик адолатсизлик қилмасликка эмас, уни истамаслик ҳамдир.

Инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тутта олса, бу марғлаб ва олижаноблик нишонасидир.

Яхши феъл билан кишилар кўнглини олиб, ўзининг ёмон одамлардан сақлаб яша.

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

— "Нексия-2" учун пулни топширдим, — деди у Зухридинга юзланиб. — Ваъда битта, машина келган заҳоти хабарлашамди. Насиб бўлса, автосалондан уни ўзингиз ҳайдаб чиқасиз.

Бу воқеа 2013 йилнинг 14 август куни рўй берганди. Шундан сўнг орадан ойлар ўтиб кетди. Зухридиннинг кутавериб, тоқати тоқ бўлди. У ҳар сафар Н.Бойтўраева билан учрашганда, "эрта-индин янги машина чиқиб қолади" деган гапни эшитарди. Аслида Н.Бойтўраеванинг гаплари ёлғон, у фирибгарлик йўли билан Зухридинни алдаб келаётган эди. Чунки ўша куни Н.Бойтўраева банк муассасаси биносига кириб чиққанида ҳеч қандай тўловни амалга оширмаган, аксинча, у Зухридинни алдаб, унинг ишончини суистеъмол қилиб, фирибгарлик йўли билан кўлга киритган пулларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборганди.

Шу ўринда Н.Бойтўраеванинг фирибгарлик қилмишларига тўхталадиган бўлсак, бу маккор аёл фақат Зухридинни эмас, балки бошқаларни ҳам алдаб, чув туширганди.

Шулардан бири С.Назиржонова компьютер тузатиш билан шуғулланувчи йигитга мониторинг сотиб беришни илтимос қилади. Бирок С.Назиржонова нарҳига келишолмай компьютер мониторингини қайтариб олиб келаётганида тасодифан кўчада Назокат опани учратиш қолади. Назокат опа Севарадан мониторинг қаяққа олиб кетаётганини сўрайди ва Севаранинг гапларини эшитгач, дарров мониторинг харидор бўлади. 300 минг сўмга келишилгач, Севара уни Назокат опага беради.

Аммо С.Назиржонова мониторинг пулини олиш учун узоқ вақт овора-ю сарсон бўлади. У ҳар гал Н.Бойтўраевадан турли хил баҳоналарни эшитилади. Энг ёмони, бу орада фирибгар аёл уни яна чув туширади. Аниқроқ айтганда, у ўзининг хусусий қорхонаси ҳисоб рақамидан пул кўчириш йўли билан телевизор олиб беришга ваъда қилиб, С.Назиржонovaning яна 650 минг сўмини ҳам кўлга киритади.

ритида.

Фирибгар Н.Бойтўраева Севаранинг содда ва ўта ишонувчанлигидан фойдаланиб, уни яна алдашда давом этади. У алдов йўли билан С.Назиржонovaning жами 1 миллион 500 минг сўмини кўлга киритади.

Ҳаётда қарз бериб, кимнингдир ҳожатини чиқариш ўта хайрли иш. Э.Мусурмонкулов ҳам шундай деб ўйлайди. Бир ой муқаддам унга Назокат опа кўнғирок

**Ehtiyot bo'ling, firibgar!**

## Фош бўлган фириб

қилиб, "170 минг сўм зарур бўлиб қолди" деганда қарз берганди. Бугун эса, Н.Бойтўраева яна кўнғирок қилиб 300 АҚШ доллари қарз сўради ва олдинги қарзимга қўшиб қайтариб бераман, деди.

Эргаш ака обдон ўйлаб, "йўқ" дейишга истихоло қилди ва қизи Дилдоранинг кўлига 300 АҚШ доллари тутқазиб, Назокат опага элтиб беришни тайинлади.

Аммо орадан анча вақт ўтса-да, Н.Бойтўраева бу инсонга ҳам тутқич бермади.

Фирибгар аёл бу сафар фермер хўжалиги раҳбари Ш.Яхшибоевни мўлжалга олди. У бир ойда қайтаришни ваъда қилиб Шониёздан 850 минг сўм олди-ю шу кўйи қорасини кўрсатмай кетди.

Бу ҳаётда инсон адашгач, қилмишидан пушаймон бўлиб, ўзи очилмас, қийин экан. Бежизга бундай деяётганимиз йўқ, Гап шундаки, Н.Бойтўраева муқаддам фирибгарлик ва бошқа жиноятларни содир этиб, икки мартаба суднинг қора курсисига ўтирган. Қонунаримизнинг инсонпарварлик, адолатпарварлик ва демократик руҳда суғорилгани, айниқса, юртимизда аёлларга кўрсатилётган бағрикенглик туфайли у амнистия актларига кўра, жазодан озод этилган.

Аниқроқ айтганда, унга ҳаётда яна

тўғри йўлни топиб олиши учун имконият берилган эди. Бирок у ўз билганидан қолмади, яна жиноий қилмишга қўл урди.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди билан судланувчи Н.Бойтўраевага оид жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ҳаракатлари ниҳояланиб, иш судда кўрилиш арафасида Н.Бойтўраева қилмиши учун ўзини муқаррар жазо кутаётганини аниқлаб кўрилади. Негаки, у эшикма-эшик юриб, жабрланувчилардан олган қарзларни тўлиқ қайтарди. Одамларимизнинг хушфэълиги, кечиримлилигини қарангки, жабрланувчилар судда қарзлар тўлиқ тўлаб берилгани, Н.Бойтўраева кечирим сўраганилиги боис судланувчига нисбатан давволари йўқлигини айтишди. Судланувчи эса, қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонда эканлигини баён қилиб, суддан ўзига нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд Н.Бойтўраевага нисбатан жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 1-бандида қайд қилинган "Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин" деган талабига амал қилди. Шунингдек, Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисмидаги етказилган зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланмаслиги тўғрисидаги қоидадан келиб чиқиб, судланувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан жазо жазоси тайинлади.

Ҳа, фирибгарлик ортидан топилган бойлик Н.Бойтўраевага буюрмади. Фарзандлари ҳамда кўни-қўшини олдида юзшуват бўлгани қолди. Бир сўз билан айтганда, алдов йўли билан ўзгалар ишончини суистеъмол қилиш, фирибгарлик ҳеч қачон яхшилик билан якун топмаган. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Бекзод ЖУМАОБОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Фаллаорол туман  
судининг раиси  
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
"Куч — адолатда" мухбири

## Куч—АДОЛАТДА

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

### Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоноус ГАЗИЕВ  
Светлана АРТИКОВА  
Кўчкор ТОҒАЕВ  
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Замира ЭСОНОВА  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Файрат ХИДОЯТОВ  
Азиз МИРЗАЕВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

### Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ  
Саҳифаловчи:  
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Манзиллари: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй  
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54  
E-mail: kuch-adolatda@oliusud.uz

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-522. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. Адади: 7186.  
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20<sup>00</sup> Топширилди: 21<sup>30</sup>